

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг тўртинчи чорагида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг тўртинчи чорагида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.


2024 йилда Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 4 002 та тафтиш тартибидаги шикоят (протест) келиб тушган бўлиб, шундан 1 081 таси қайтарилган, 447 тасини иш юритишга қабул қилиш рад этилган, 1 923 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 227 таси судлов ҳайъатида кўрилган.

Келиб тушган шикоятларнинг 946 таси фуқаролик иши асосида ўрганилган бўлиб, шундан 654 та шикоятларни судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 227 таси судлов ҳайъатида кўрилган.

Олий суд томонидан тафтиш инстанциясида кўриб тамомланган ишлар сони 227 тани ташкил этади. Бу эса 2023 йилнинг мос даврида Олий суд томонидан юқори инстанцияда кўрилган ишларга нисбатан 3 438 тага камайган (2023 йилда 3 665 та).

Олий суд тафтиш инстанциясида кўриб чиқилган қуйи инстанция судларининг 227 та фуқаролик ишлари вилоят кесимида қуйдагича тақсимланади.

Тошкент шаҳар 58 та, Самарқанд 24 та, Тошкент вилояти 22 та, Қашқадарё 21 та, Фарғона 19 та, Бухоро 15 та, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Сурхондарё 12 тадан, Наманган ва Хоразм 8 тадан, Сирдарё 6 та, Навоий 5 та, Жиззах 4 та ва Ҳарбий суд 1 та.



Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясида кўриб тугатилган 227 та ишларнинг 115 та (50,7%) суд ҳужжатлари ўзгаришсиз, 26 та (11,4%) ўзгартирилган, 86 та (37,9%) бекор қилинган.

Суд ҳужжатлари бекор қилинган 86 та ишлар таҳлил қилинганда:

36 та суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган (*Тошкент шаҳар 8 та, Қашқадарё 4 та, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари 3 тадан, Сурхондарё ва Бухоро 2 тадан, Жиззах ва Хоразм 1 тадан*);

2 таси бўйича биринчи ва тафтиш инстанциясининг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, апелляция инстанцияси ажрими кучида қолдирилган (*Самарқанд*);

5 таси бўйича тафтиш инстанцияси ажримлари бекор қилиниб, апелляция инстанцияси ажрими кучида қолдирилган (*Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри 1 тадан*);

6 таси бўйича тафтиш инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, апелляция ва биринчи инстанция суди ҳужжатлари кучида қолдирилган (*Тошкент шаҳри 3 та, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё 1 тадан*);

5 таси бўйича Олий суд кассация инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, апелляция ва биринчи инстанция суди ҳужжатлари кучида қолдирилган (*Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент шаҳри 1 тадан*);

2 таси бўйича Олий суд кассация инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, апелляция инстанцияси ажрими кучида қолдирилган (*Бухоро, Тошкент вилояти 1 тадан*);

8 таси бўйича апелляция ва тафтиш инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, ҳал қилув қарорлари кучида қолдирилган (*Бухоро, Сурдарё 1 тадан, Фарғона ва Тошкент шаҳри 3 тадан*);

1 таси бўйича апелляция ва Олий суд кассация инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, ҳал қилув қарори кучида қолдирилган (*Хоразм*);

1 таси бўйича апелляция ва Олий суд кассация инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган (*Самарқанд*);

16 таси бўйича апелляция ва тафтиш инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган (*Андижон, Наманган ва Фарғона 1 тадан, Тошкент вилояти 2 та, Қашқадарё 3 та, Тошкент шаҳри 8 та*);


1 таси бўйича тафтиш инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанцияга юборилган (*Сурхондарё*);

1 таси бўйича барча суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган (*Навоий*);

2 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво ариза кўрмасдан қолдирилган (*Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона*).

Суд қарорлари бекор қилинган 86 та ишларнинг ҳудудлар бўйича таҳлили қуйидагича тақсимланади:

Тошкент шаҳар 24 та, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона 8 тадан, Тошкент вилояти 7 та, Бухоро 6 та, Қорақалпоғистон Республикаси 4 та, Сурхондарё, Андижон ва Наманган 5 тадан, Хоразм 3 та, Навоий, Жиззах ва Сирдарё 1 тадан тўғри келади.



Тафтиш тартибида кўрилган ишларнинг 1 таси бўйича Олий суд раиси томонидан Олий суд Раёсатига протест киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, судлар томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (*бундан буён матнда ФПК деб юритилади*) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суди Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилинмаётганлигини кузатилиб, қуйида тафтиш инстанцияси томонидан бекор қилинган ва ўзгартирилган суд ҳужжатларидан айрим мисоллар келтирилади.

Суд аризачининг аризани (даъво ариза) судга киритиш ваколатини текширмасдан ишни мазмунан кўриб хатоликка йўл қўйган.

Даъвогар Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар Д. томонидан ўзбошимчалик билан

курулган курилмани буздиришни ва ер майдонини асл ҳолатига келтиришни сўраган.

Фарғона вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 13 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Сўх туман судининг 2023 йил 18 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво ариза қаноатлантирилиб, пиёдалар йўлагига ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний равишда курилган курилмани жавобгар ҳисобидан буздириш ва ер майдонини асл ҳолатига келтириш белгиланган.

Фарғона вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 24 апрелдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

ФПКнинг 191-моддасига кўра, агар ариза вакил томонидан имзоланган бўлса, аризага уни имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим, ушбу Кодекснинг 195-моддасида эса манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариши лозимлиги белгиланган.

Фуқаролик иши ҳужжатларига кўра, Кадастр агентлигининг туман бўлими томонидан назорат тадбири давомида аниқланиб, тузилган 2023 йил 7 сентябрдаги далолатномага кўра, Д. йўлнинг зовур усти қисми ва пиёдалар йўлагига 60,0 кв.метр ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ушбу худудда тегишли рухсат берувчи ҳужжатларсиз савдо дўкони биносини куриб, ундан фойдаланиб келган.

Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси томонидан 2023 йил 7 сентябрда Д.га нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 2023 йил 29 сентябрдаги маъмурий жазо қўллаш ҳақидаги қарорга асосан Д. Ўзбекистон Республикаси МЖТК 60-моддасининг иккинчи қисми билан айбли деб топилган ва унга маъмурий жарима қўлланилган.

Иш ҳужжатларида Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси номидан даъво аризани Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи имзолаган, бироқ бошқарма номидан туман бўлими бошлиғига даъво аризани имзолаш ва судга киритиш ҳуқуқини берувчи ишончнома берилмаган.

Ишдаги Кадастр агентлиги вилоят бошқармасининг ишончномасида туман бўлими бош инспектори ва етакчи инспекторларига ишда иштирок этишга ваколат берилган холос.

Қуйи судлар даъво ариза даъвогар Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси номидан берилган бўлсада, бироқ туман бўлими бошлиғи томонидан имзоланиб, “маълумотлар учун” муҳр билан тасдиқланганлиги ҳолатига эътибор қаратмасдан, туман бўлими бошлиғининг ваколатини текширмасдан, даъво аризани мазмунан кўриб қарор қабул қилган.

Ваҳоланки ФПКнинг 122-моддасида манфаатдор шахс номидан ариза иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса суд аризани кўрмасдан қолдириши белгиланган.

Шу сабабли, суд ҳужжатлари Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 28 ноябрдаги ажрими билан бекор қилиниб, даъво ариза ФПКнинг 122-моддаси асосида кўрмасдан қолдирилган.

2-1504-2304/14901-сонли иш

**Меҳнат низоси бўйича иш
ҳолатлари тўлиқ
ўрганилмаганлиги ва
текширилмаганлиги суд қарор-
ларининг бекор бўлишига сабаб
бўлган.**

Даъвогар Г. жавобгар ҳудудий Перинатал марказига нисбатан “хайфсан” ва жарима интизомий жазосини қўллаш ҳақидаги буйруқларни ғайриқонуний деб топиш ҳамда одоб-ахлоқ комиссиясининг йиғилиш баённомасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 7 ноябрдаги ва тафтиш инстанциясининг 2024 йил 26 февралдаги ажримлари билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2023 йил 4 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Аниқланишича, даъвогар Г. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг “Н.” филиали туғруқ бўлимида катта доялик вазифада ишлаб келган, Марказнинг 2023 йил 2 февралдаги буйруғи билан Г. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 15 октябрда тасдиқланган “Одоб-ахлоқ қоидалари” талаблари, яъни хизмат фаолиятида ташқи кўриниш ва кийиниш маданиятини бузган деб топилиб, “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган. Бунга асос сифатида Одоб-ахлоқ комиссиясининг 2023 йил 1 февралдаги йиғилиш баённомаси ва комиссия раисининг тақдимномаси кўрсатилган.

Шунингдек, Марказнинг 2023 йил 3 мартдаги буйруғи билан даъвогар Г. моддий жавобгар ходим бўла туриб, 2022 йил ноябрь ва декабрь ойлардаги дори-дармонлар сарфи тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган вақтда Марказнинг ҳисоб-китоб бўлимига тақдим этмаганликда айбдор деб топилиб, “Ички меҳнат тартиб қоидалари”ни бузганлиги эътироф этилган ва унга нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида жарима интизомий жазо чораси қўлланилган. Бунга асос сифатида Марказ юрисконсултининг

билдиргиси, бош ҳисобчининг маълумотномаси ва ходимнинг тушунтириш хати кўрсатилган.

Судлар даъво аризани рад қилишда иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилганлигига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 20 январдаги 34-сонли буйруғида тиббиёт ходимлари иш вақтида оқ халат, оқ бош кийим ва тоза текис кийимда юришлари лозим эканлиги қайд этилган.

Аммо, иш берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва тарафларнинг судда берган тушунтиришларидан кўринишича, даъвогарнинг юқорида қайд этилган ножўя хатти-ҳаракатларни айнан иш вақтида содир этганлиги аниқланмаган.

Марказ бош ҳисобчисининг маълумотномасидан аниқланишича, ходимлар ойлик ҳисоботларни кейинги ойнинг бешинчи санасидан кечиктирмай ҳисобот бўлимига топширишлари лозим.

Меҳнат низоси юзага келган вақтда амалда бўлган Меҳнат кодексининг 182-моддасига кўра, интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Низоли буйруқлар қабул қилинган вақтда амалда бўлган Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сонли қарорининг 32-бандига кўра, ножўя хатти-ҳаракат ҳақида корхона раҳбарига, унинг ўринбосарига ёки таркибий бўлим раҳбарига ёхуд ходим бўйсунадиган бошқа раҳбарга у интизомий жазо бериш ҳуқуқига эга бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар маълум бўлган кун – бир ойлик муддатнинг ҳисобланиши бошланишига асос бўлувчи ножўя хатти-ҳаракат аниқланган кун ҳисобланади.

Демак, Г.нинг 2022 йилнинг ноябрь ва декабрь ойлардаги дори-дармонлар сарфи тўғрисидаги ҳисоботларни топширмаганлиги иш берувчига 2023 йил 5 январда маълум бўлган ва иш берувчи ходимга қонунчиликда белгиланган бир ойлик муддатни ўтказиб юборган ҳолда интизомий жазо чорасини қўллаган.

Иш берувчи томонидан даъвогарнинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракатга алоқадорлиги даражаси ва хатти-ҳаракат содир этилган ҳолатлар инобатга олинмаганлиги, айнан даъвогарнинг айби билан ҳисоботлар топширилмаганлигини тасдиқловчи ҳолатлар мавжуд эмаслигига, иш берувчи ва даъвогар ўртасидаги келишмовчилик натижасида иш берувчи томонидан қисқа вақт ичида кетма-кет интизомий жазо қўлланилганлиги судлар томонидан синчковлик билан текширилмаган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ишдаги далиллар мажмуига мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан ҳуқуқий баҳо бериб, иш берувчи томонидан ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўллашда меҳнат қонунчилиги нормалари бузилганлигини инобатга олиб, 2024 йил 4 декабрдаги ажрими билан суд ҳужжатларини қисман бекор қилишни,

даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириб, жавобгар ҳудудий Перинатал марказининг 2023 йил 2 февралдаги “ҳайфсан” интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги ва 2023 йил 3 мартдаги ўртача ойлик иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида жарима жазосини қўллаш ҳақидаги буйруқларини ғайриқонуний деб топишни лозим топган.

Судлов ҳайъати қуйи судларнинг одоб-ахлоқ комиссиясининг мажлис баённомасини ғайриқонуний деб топишга оид қисмини рад қилиш ҳақидаги хулосаси билан келишган, чунки баённома тавсиявий характер касб этиши, интизомий жавобгарликка тортиш иш берувчининг мутлоқ ваколати эканлиги инобатга олинган.

2-2301-2304/5103-сонли иш

**Суд даъвогардан давлат
божини ундириб нотўғри
хулосага келган.**

Даъвогар А.нинг жавобгар “Н.” МЧЖга нисбатан 12 000 000 сўм иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво аризаси Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 26 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2024 йил 14 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, рад қилинган ва даъвогардан 480.000 сўм давлат божи ундирилган.

Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 6 сентябрдаги ажрими билан ушбу суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар А. 2021 йил 1 октябрдан “Н.” МЧЖда қоровул вазифасида ишлаб келиб, “Н.” МЧЖнинг 2023 йил 30 майдаги буйруғи асосида у билан тузилган меҳнат шартномаси унинг аризасига асосан бекор қилинган.

Иш берувчи даъвогарга иш ҳақларини тўлаб бермаганлиги сабабли у 2022 йил июнь ойидан 2023 йил май ойига қадар 12 000 000 сўм иш ҳақини ундиришни сўраган.

Муқаддам фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2023 йил 13 июлдаги қарори билан даъвогарнинг айнан шу мазмундаги даъво талаби қаноатлантирилиб, суд қарори ижро қилинганлиги ва даъвогарга 12 000 000 сўм тўлаб берилганлиги аниқланганлиги боис даъвогарнинг даъво аризаси рад қилинган.

Судларнинг ушбу хулосаси тўғри бўлиб, дастлабки суд қарори ижро қилинмаганлигини инкор қилувчи далиллар аниқланмаган, даъвогарга эса пул суммасини олмаганлиги юзасидан МИБ Бекобод туман бўлимининг ижро ишини тамомлаш тўғрисидаги 2023 йил 3 августдаги қарори устидан

юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига тушунтирилган.

Бироқ, судлар даъвогардан унинг талаби рад қилинганлиги сабабли давлат божи ундирилганлиги меҳнат қонунчилигига зид эканлигини эътиборга олмаган ва 480 000 сўм давлат божи ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки, Меҳнат кодексининг 562-моддасига кўра, ходимлар яқка тартибдаги меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат этганда суд харажатларидан озод қилинади.

Шунга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 5 ноябрдаги ажрими билан суд ҳужжатларининг ушбу хулосаси суд қароридан чиқариб ташланган ва қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

2-1106-2303/4707-сонли иш

**Процессуал ҳуқук
нормасининг бузилиши ёки
нотўғри қўлланилиши
оқибатида суд ҳужжатлари
бекор қилинган.**

1. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг “Т.” банки манфаатида жавобгарлар “G” МЧЖ ва Л.га нисбатан кредит ва фоиз қарздорликларини ундириш ҳақидаги даъво талаби фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2018 йил 28 майдаги ҳал қилув қарори билан рад қилинган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 8 сентябрдаги ажрими билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг кассация шикоятидан воз кечиши қабул қилинган ва шикоят бўйича иш юритиш тугатилган.

Ушбу ажримга нисбатан “Т.” банки томонидан тафтиш тартибида шикоят берилган.

Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судьясининг 2024 йил 20 февралдаги ажрими билан “Т.” банкининг тафтиш тартибидаги шикоятини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Судьянинг ушбу ажримига нисбатан “Т.” банки тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, мазкур ажримни бекор қилишни, шикоятни иш юритишга қабул қилишни сўраган.

Аниқланишича, “Т.” банки 2024 йил 5 февраль куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 8 сентябрдаги ажримига нисбатан тафтиш тартибидаги шикоят билан

мурожаат қилган, бироқ шикоят билан мурожаат қилиш муддатини узрли деб топиш ва бу муддатни тиклаш ҳақида илтимоснома киритмаган.

Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг судьяси ФПК 419¹¹-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосланиб, “Т.” банки томонидан берилган шикоят қонун нормаларида белгиланган муддатни ўтказиб берилганлиги, муддатни тиклаш ҳақида илтимосномаси мавжуд эмаслиги сабабли тафтиш тартибидаги шикоятни қабул қилишни рад этган.

Бироқ, судья шикоятни қабул қилишни рад этишда процессуал қонун нормаси талабини бузган, чунки ФПК 419¹¹-моддаси биринчи қисмининг 6-банди муддатни тиклаш ҳақида илтимоснома мавжуд бўлгандагина қўлланилади, аризачи эса ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома тақдим қилмаган ва бу ҳолатда шикоят қайтарилиши лозим бўлган.

Хусусан, ФПК 419¹⁰-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, агар тафтиш тартибидаги шикоят (протест) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаса тафтиш инстанцияси судининг судьяси тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қайтаради.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 8 октябрдаги ажрими билан Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судьясининг “Т.” банкининг тафтиш тартибидаги шикоятини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими бекор қилиниб, шикоятни иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал қилиш учун Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясига юборилган.

1-3089/18-сонли иш

2. Даъвогар Ф. жавобгар вилоят Ички ишлар бошқармасига нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасининг 2009 йил 10 мартдаги буйруғини бекор қилиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул учун ҳақ ва маънавий зарар ундиришни сўраган.

Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 12 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2020 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвони қаноатлантириш рад қилинган.

Суд ҳужжатларидан норози бўлган даъвогар Ф. 2024 йил 31 июль куни тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилган.

Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судьясининг 2024 йил 12 августдаги ажрими билан тафтиш тартибидаги шикоят ФПК 419¹⁰-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан қайтарилган.

Даъвогар Ф. 2024 йил 22 август куни такроран тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилган, бироқ Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судьясининг 2024 йил 4 сентябрдаги ажрими билан тафтиш тартибидаги шикоятни ФПК 419¹¹-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан шикоят бериш муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли қабул қилиш рад этилган.

ФПК 264-моддасининг биринчи қисмига асосан, суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, апелляция шикояти (протести) бериш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни апелляция инстанцияси суди кўриб чиққанидан кейин қонуний кучга киради.

Ушбу Кодекс 419⁶-моддасининг бешинчи қисмига кўра, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Қайд этилган қонун талабларига мувофиқ, мазкур фуқаролик иши бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори апелляция инстанцияси судида кўрилган кун, яъни 2023 йил 12 сентябрда қонуний кучга кирган ҳисобланади, бироқ судья томонидан бу муддат нотўғри ҳисобланганлиги оқибатида даъвогарнинг шикояти қабул қилинмаган.

Шу сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати даъвогар Ф. қонунда белгиланган бир йиллик муддатни ўтказмасдан тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилганлигини инобатга олиб, 2024 йил 4 декабрдаги ажрим билан судьянинг 2024 йил 4 сентябрдаги ажримини бекор қилишни ва Ф.нинг тафтиш тартибидаги шикоятини қабул қилиш масаласини ҳал қилиш учун шикоятни иш билан вилоят судига юборишни лозим топган.

2-1801-2004/5657-сонли иш

Моддий ҳуқуқ нормасининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши оқибатида суд ҳужжатлари бекор қилинган.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг Наманган вилояти бўйича бошқармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарлар М. ва Ж.дан божхона тўловларини ундиришни сўраган.

Наманган вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 15 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг 2024 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвони қаноатлантириш рад қилинган.

Наманган вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 12 сентябрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, 2022 йил 25 август куни жавобгар М.нинг номига фактура қиймати 3 100 Евро бўлган 1 дона “KOGEL S24” русумли ярим тиркама транспорт воситаси олиб келиниб, тақдим этилган йўл юк кузатув ҳужжатлари асосида “Вақтинча сақлаш (ИМ-70)” божхона режимига расмийлаштириш учун 2022 йил 31 август куни электрон божхона юк декларацияси шакллантирилган ва рўйхатдан ўтказиш учун божхона постига тақдим этилган.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси олиб келинган ушбу транспорт воситасига тегишли транспорт воситаси транзит техник гувоҳномаси (ПТС)нинг “В” банди (биринчи рўйхатга олинган сана)да “09.05.2016” деб кўрсатилган ёзувларни транспорт воситасини ишлаб чиқарилган йили деб ҳисоблаб, божхона юк декларациясининг 31-устунига транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йилини “2016 йил” деб кўрсатган.

Натижада, мазкур транспорт воситаси ишлаб чиқарилганига етти йилдан ошмаган деб ҳисобланиб, олиб кирувчига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 августдаги “Автомобиль транспортида юк ташувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5225-сонли қарорига асосан транспорт воситаси божхона тўловларидан озод этилиш тўғрисида имтиёз қўлланилган ва “Эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига расмийлаштирилган.

Бироқ, Давлат божхона кўмитаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси томонидан юборилган сўровнома асосида Германия Федератив Республикаси божхона хизматининг 2023 йил 5 июлдаги жавоб хати олиниб, унда мазкур “KOGEL S24” русумли ярим тиркама транспорт воситаси 2014 йил 19 ноябрда ишлаб чиқарилганлиги аниқланган.

Шунга кўра, Наманган вилоят божхона бошқармасининг 2023 йил 14 июлдаги комиссия хулосаси асосида ярим тиркама транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 7 йилдан ошган ва жавобгар томонидан импорт божидан 14 711 609,13 сўм, қўшилган қиймат солиғидан 2 206 741,37 сўм ва утилизация йиғимидан 198 000 000 сўм, жами 214 918 350,50 сўм божхона тўловлари тўланиши лозим деб топилган.

Судлар жавобгар Ж. томонидан олиб келинган транспорт воситаси ҳужжатлари ва йўл юк кузатув ҳужжатлари қалбакилаштирилмаганлиги, божхонанинг электрон божхона юк декларацияси қонуний кучда эканлиги, муқаддам Наманган вилоят Божхона бошқармаси суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлимининг 2023 йил 10 ноябрдаги қарори билан жиноят иши қўзғатиш рад этилганлиги, хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилишини инобатга олиб, даъвони рад қилган.

“Ўзбекистон Республикаси бир томондан ва Европа Ҳамжамияти ҳамда уларга аъзо давлатлар иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида битим”нинг (1996 йил 21 июнь Флоренция шаҳри) 65-моддасида тарафларнинг божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишуви назарда тутилган.

Германия Федератив Республикаси Божхона хизматининг 2023 йил 5 июлдаги маълумотномаси Германия Федератив Республикаси Божхона хизмати томонидан ушбу халқаро Битим доирасида тақдим этилган бўлиб, расмий ҳужжат ҳисобланади, жавобгарлар эса тақдим этилган маълумот ҳақиқатга мос келмаслигини ёки мазкур транспорт воситаси 2016 йилда ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи мақбул далиллар тақдим этмаган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ушбу далилларга таянган ҳолда жавобгарлар томонидан импорт қилинган “KOGEL S24” русумли ярим тиркама транспорт воситаси 2014 йил 19 ноябрда ишлаб чиқарилган деб ҳисоблаб, суд ҳужжатларини бекор қилишни ва даъво талабини қисман қаноатлантириб, транспорт воситасини импорт қилувчи бўлган жавобгар М.дан божхона тўловларини ва почта харажатини ундириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топган.

Шу билан бирга тарафлар ўртасидаги муносабатда юзага келган қонунчиликдаги зиддиятлар ва ноаниқликлар жавобгарнинг фойдасига талқин этилиши борасидаги судларнинг хулосаси Конституциянинг 20-моддаси билан асосланмаган деб топилган, чунки товарнинг божхона расмийлаштирувига оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликда зиддият ва ноаниқликлар мавжуд эмас.

2-1603-2405/955-сонли иш

Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Даъвогар “З.” МЧЖ Андижон шаҳар, Ўш кўчаси, 11-уй манзилида жойлашган турар жой жамиятга тегишлилиги, турар жой яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги ва яшаш учун шароит мавжуд эмаслиги, жавобгар Р. бирор-бир ҳужжатсиз турар жойда яшаб, уни бўшатиб беришдан бош тортаётганлиги асоси билан, уни турар жойдан кўчиришни сўраган.

Андижон вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 16 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2024 йил 23 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Андижон вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 17 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, низоли уй-жойдаги жавобгар Р. яшаб келаётган хонадон “З.” МЧЖга 1995 йил 27 ноябрдаги Мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерига асосан тегишли бўлиб, жавобгарнинг мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд эмас, аксинча тарафлар ўртасида турар жойни 2023 йил 31 декабрга қадар ҳар ойда 100 000 сўм тўлаш шarti билан ижарага бериш тўғрисида 2023 йил 1 февралда ижара шартномаси тузилиб, жавобгар ижара тўловларини тўламаганлиги сабабли ижара шартномасини бекор қилиш ва хонадонни бўшатиши тўғрисида мулкдор томонидан талабнома юборилган.

Бироқ, даъвогар “З.” МЧЖ 2024 йил 27 ноябрда судга даъво аризаси билан мурожаат қилган вақтда ижара шартномаси амалда бўлган ва жавобгарнинг ушбу турар жойда доимий рўйхати бўлган ҳамда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган.

Фуқаролик кодексининг 172-моддасига кўра, мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Даъвогар “З.” МЧЖ жавобгарни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд бўлган бўлсада, уни кўчириш ҳақида асоссиз даъво киритган, даъвогар ижара шартномаси бир тарафлама бекор қилинганлигини важ қилган бўлсада, шартнома бекор қилинмаган, жавобгар эса судга ижара тўловларини ойма-ой тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов патталарини тақдим қилган.

Ушбу ҳолатлар судларнинг ҳулосаларига мувофиқ келмаслиги сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 21 октябрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

2-1701-2304/31699-сонли иш

**Фуқаролик ишлари бўйича
судлов ҳайъати**